

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlari ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 28-avgust, chorshanba
№ 66 (15704)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТҮҚҚИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ

Мұхтарам фестиваль қатнашчилари!

Қадрли мәхмөнлар!

Хонимлар ва жаңоблар!

Аввало, дүнёning қадими шаҳарларидан бири бўймиш Самарқанд шаҳрида, мана шу муҳташам Регистон майдонида тўпланиб турган сиз, азиз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларини кутлашга, барча-барчангизга ўзимнинг самимий хурмат-эҳтиромимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Бугунги мусиқа ва санъат форумида қатнашаётган юксак мартағали мәхмөнларимизга — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хонимга, Халқаро маданият ва санъат ўюшмаси бош котиби Кую Ли Мин хонимга, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти бош котиби жаңоб Мун Хюнг Сукка, Осиё халқаро санъат фестиваллари ўюшмаси раиси жаңоб Чен Шенглайга, Корея Республикаси Президентининг маданият ва санъат сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси жаңоб Хюнг Ван Ли ва бошқа қадрли дўстларимизга ўзимнинг чуқур хурмат ва ташаккуримни изҳор этаман.

Фестивалимизда халқаро миқёсда кенг танилган машҳур мусиқа арబлари — Марокашдаги «Тимитар» халқаро мусиқа фестивали раҳбари жаңоб Брахим Эл Мазнед, Япон мусиқа ассоциацияси президенти жаңоб Кавасе Тадасуке, шунингдек, Афғонистон аҳборот ва маданият вазири жаңоб доктор Саид Маҳдум Раҳин, Куала-Лумпур шаҳри мэри жаңоб Датук Аҳмад Фейсал Толиб қатнашаётгани бизнинг анжуманимизга алоҳида эътироф ва нуғуз бағишлади.

Халқаро фестивалимизда яна бир хурматли мәхмөнимиз — Америка Кўшма Штатлари Конгрессининг аъзоси, таниқли сиёсатчи жаңоб Жеймс Патрик Мораннинг иштирок этиётгани барчамизга катта мамнуният етказди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун мусиқа байрамимизда ҳозир бўлган хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва вакилларини кутлашни истардим.

Бугун биз жаҳоннинг 52 та давлатидан келган сиз, азиз мәхмөнларимизни шарқона эҳтиром билан «Хуш келибсиз азим Самарқанд заминига, хуш келибсиз мәхмондўст Ўзбекистонимизга!» деб кутиб оламиз.

Хурматли дўстлар!

Бугун биз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини юртимизда тўққизинчи бор ўтказмоқдамиз. Ҳар сафар навбатдаги фестивални ўтказар эканмиз, мазкур анжуманни дунёning энг кўхна шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда ўтказиш ҳақида ЮНЕСКО томонидан кўллаб-кувватланган қароримиз нақадар тўғри бўлганига тақрор ва тақрор ишонч ҳосил қиласиз.

(Давоми 2-бетда)



САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Самарқанд шаҳрида 27 август куни
«Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа
фестивали бошланди

Мусиқа — инсониятнинг буюк қашфиёти, қўшиқ ўзига хос маънавий мулоқот восита-сибир. Сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган ҳистайгулар, тасаввур ва кечинмалар куй-қўшикларда ўз ифодасини топади. Диллардан дилларга, эллардан элларга кўчади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали халқлар ўтасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, мусиқа ва қўшиқ орқали одамлар қалбидан эзгу туйгуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бираға яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. 1997 йилдан бўён ҳар икки йилда ўтказиб

келинаётган мазкур анжуман дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, унтилаётган услугуб ва мактабларни тиклаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётir.

Юртимизда мусиқа санъати қадимдан ривожланган. Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суяқдан ясалсан най топилгани, кўхна Афросиёб деворий суратларида машшоқ ва муғанийлар тасвири, улуғ алломаларимизнинг мусиқага оид фалсафий-эстетик қарашлари халқимизнинг қадимда ҳам мусиқий салоҳияти нақадар юксак бўлганидан далолатdir.

Абу Наср Форобий

«Мусиқа ҳақида катта ки-

камиз тарихи ва назариясига оид қимматли маълумотлар келтирилган.

Айниқса, Амир Темур даврида фан ва маданиятнинг барча соҳаси қатори мусиқа ва қўшиқчилик санъати ҳам юксак даражада ривожланган. Самарқандда ўз даврининг энг машҳур созандо ва хонандалари, шоирлар жам бўлган, мушоиралар, мусиқий анжуманлар уюштирилган. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида шундай анжуманлар ҳақида «Яҳши овозли хонандалар кўйлашни бошлаб, ғазалу нақш айттар эрдилар. Ва турку мўғул, хитой араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айттур эрди», деб ёзди.

Комил Хоразмий Хоразм нотасини ихтиро қилиб, «Рост» мақомининг дебочасини ушбу нотага туширган. Унинг «Танбур чизиқлари» асарида миллий мусиқа

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТҮҚҚИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми,
боши 1-бетда)

Асрлар давомида умумбашарий маданият ва цивилизация марказларидан бири бўлиб келаётган, афсонавий Шарқ тимсоли, ўзининг етти иклимга машхур меъморий обидалари, буюк салоҳияти, гўзал ва сўлим табиити билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этадиган бу тарихий шахар энг юксак халқаро анжуманларни ўзида қабул қилишга ҳар томонлама муносибидир.

Бундай улуғвор ва табаррук шаҳарнинг юраги бўлмиш, Регистон деб ном олган, дунёда кам учрайдиган бу муҳташам саҳна, ҳеч шубҳасиз, миллий мумтоз тароналарга янгича, бетакрор гўзаллик ва нафосат бахш этади, минг-минглаб санъат мухлислари хотирасида ўчмас из колдиради.

Айнан Самарқанд заминида пойдевор кўйилган «Шарқ тароналари» фестивалиниң ўз олдига кўйган гоя ва мақсадларини қисқача ифода қиласидиган бўлсак, улар аввалимбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини **ҳеч қандай таржимонсиз** бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Биз барчамиз сизларнинг тимсолингизда ана шундай буюк ва бебаҳо маънавий бойликни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида бегараз хизмат қиласидиган, Шарқ-

нинг мумтоз санъатини янги-янги ёш авлодларга безавол етказиб келаётган фидоий инсонларни, моҳир санъат устталари ва устозларини кўрамиз.

Шу маънода, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдизларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталики мустаҳкамлаш йўлида мусиқа санъатининг бекиёс кучи ва таъсирини намоён этишда «Шарқ тароналари» каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қиёслаш қийин, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Айни мана шундай олижаноб мақсадларни ўз зиммасига олган, турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият

вакилларини азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қиласиз, сизга берилган истеъодод ва талант олдида таъзим қиласиз.

Азиз фестиваль иштирокчилари!

Тобора улкан обрў ва эътибор топиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжуманини юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш ва керакли имкониятларни туғдириш албатта ташкилотчилардан, аввало Самарқанд аҳлидан катта масъулият талаб этишини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Бугун ҳеч иккимасдан айтиш мумкин: айни шундай тайёргарлик ишларида жонбозлик кўрсатган, ўзининг меҳмондўстлиги, ажойиб фазилатлари билан дунёда ном қозонган Самарқанд аҳлига барчангизнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан самимий

миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, шу азим шаҳарда туғилиб ўсган, вояга етган инсон сифатида мен учун доимо азиз ва қадрдан бўлган Самарқанд ҳалқига, кексаю ёш барча ҳурматли ҳамюрларимга фарзандлик меҳрим ва садоқатимни яна бир бор изҳор этиш менга чексиз хурсандчилик ва баланд руҳ бағишлиди.

Азиз юртдошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги гўзал байрам билан — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини очилиши билан яна яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

(Давоми,
боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташабуси билан орадан қарийб олти аср ўтиб, бу анжуман «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали тимсолида қайта тикланди. Бугун ҳам Самарқандда Мағрибу Машриқдан келган хонандаю созандалар жам бўлиб, ўз миллий қўшикларини ижро этмоқда.

Самарқанд, Регистон майдони. 27 август, соат 19.00.

... Қадим миноралар, нилий гумбазлар ранго-ранг чироқлар ёғидусида жилоланади. Улуғвор обидалар қалбларга байрамона руҳ, анжуманга шукуҳ бағишлиди. Майдондаги улкан амфитеатр анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини очилиш маросимига йиғилган томошибинлар билан тўлган. Улар орасида фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндадари, мусиқашунос олимлар, санъат ихлосмандлари, чет эллик журналистлар, сайёхлар бор.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Карнай-сурнай, ногора садолари янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини кутлар экан, мазкур фестивалини мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тутувликни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхтади, фестиваль иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Маросимда сўзга чиқсан ЮНЕСКО Бош директори



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Ирина Бокова Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини, Президент Ислом Каримов томонидан асос солинган «Шарқ тароналари» фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунаси эканини таъкидлadi.

Мусиқа садолари остида муҳташам саҳнага фестиваль қатнашчилари — 52 мамлакат санъаткорлари кириб келади.

Истиқолол йилларида миллий мусиқамизни чукур ўрганиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бойсун фольклори, Шашмақом, Катта ашула, Наврўз инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳонномадий мероси рўйхатига киритилди. Узбекистон давлат консерваторияси, ўнлаб театр ва маданият саройлари, санъат йўналишидаги колледж ва лицейлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини кутлар экан, мазкур фестивалини мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тутувликни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхтади, фестиваль иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини кутлар экан, мазкур фестивалини мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тутувликни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхтади, фестиваль иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида гиқарори асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти, мусиқа таълими изчил ривожлантирилмоқда.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Ниҳол», «Келажак овони», «Янги авлод», «Марду майдон» каби кўрик-танловлар мамлакатимиз ёшларининг истеъодидини юзага чиқаришга хизмат қиласидир. «Асрлар садоси» халқаро фестивали халқимиз маънавий мероси ва замонавий санъат уйғунлигини жаҳон узра намойиш этмоқда.

Мусиқа оҳанг, тарона тили, дини ва урф-одати турлича бўлган барча миллат ва элатларни бирлаштирадиган кудратли воситадир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади.

«Шарқ тароналари»нинг мазмун-моҳиятида ана шундай умуминсоний қадриятлар музассамлиги боис ҳам бу фестиваль дунё жамоатчилиги эътиборини тобора кенг қозонмоқда. Фестиваль жаҳондаги нуфузли мусиқа анжумлари қаторидан муносиб ўрин ғаллади. Кўплаб мамлакатлар, халқаро маданият ташкилотлари, машхур санъат намояндарининг бу фестивалга қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Хусусан, 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга Осиё, Африка, Европа ва Америкадаги 52 давлатдан санъат намояндлари ташриф бўюриди. Фестиваль Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО шафелигига ўтказилаётгани ҳам анжуманинг юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишлиланган театрлаштирилган томошалар анжуман иштирокчилари ва меҳмонларидан катта таассурот қолдирди. Фестиваль сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга узатилди.

**Иродда УМАРОВА,
Анвар САМАДОВ,
Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари**

Криста ПИККАТ:

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ СОҲАЛАРИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Мамлакатимиз мустақиллигининг
22 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий
аҳборот агентлиги — ЎзА мухбири
ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги
ваколатхонаси раҳбари Криста ПИККАТ
билин сұхбатлаши.**

— Сұхбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ўтмоқда. Ўзбекистонда истиқолол йилларида таълим, фан ва маданият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар берәётган самаралар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Президент Ислом Каримов мамлакатингиз мустақиллиги кўлга киритилганинг илк кунлариданоқ, ўша пайтда кўплаб иқтисодий-ижтимоий муаммолар бўлганига қарамай, таълим тизимини ривожлантиришга биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратганини яхши биламиш ва бундай фамхўрликни жуда юксак қадрлаймиз.

Давлатингиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқув-методик жараёнлар замон талаблари даражасида тубдан ислоҳ қилинди. Замонавий таълим масканлари бунёд этилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон

ялпи ички маҳсулотининг 8-10 фойзи ушбу соҳага йўналтирилмоқда. Таълим сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боис Ўзбекистоннинг Таълим бўйича глобал ҳамкорлик дастурига аъзолиги доирасида яратилган Таълимга оид режаси бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиди, деб ишонаман.

Илмий ишланма ва қашфиётлардан самарали фойдаланиш, иқтисодиёт ва жамиятнинг ўзгарувчан талаблари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш мамлакатлар ривожида мухим ўрин тутади. Ўзбекистонда инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, илмга таянган иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилётгани жуда қувонарли. Олий таълимдан кейинги таълимни такомиллаштириш, мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш, илмий тадқиқотларни кўллаб-куватлаш борасидаги ишлар бунда мухим омил бўлаётir.

Ўзбекистон бой маданий маънавий меросга эга. Мамлакатингиз маданият соҳасига

оид кўплаб ҳалқаро норматив хужжатларни ратификация қилган. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари, юртингиздаги 140 маданий ва тарихий ёдгорлик ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий месроси рўйхатига киритилган. Ўзбекистон ҳалқи бу ноёб месросни, урф-одатлари ва анъаналарини асрраб-авайлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан фан-таълим, маданият ва аҳборот соҳаларини камраб олган ҳамкорлигимиз кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишга доим тайёрмиз.

— Бугунги ўзбек ёшлари, уларнинг орзу ва интилишлари, турли соҳаларда эришаётган муваффақиятлари тўғрисида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон ёшлари — мамлакатнинг улкан салоҳиятидир. Ўзбекистоннинг соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш борасидаги ишлари алоҳида эътиборга молик. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ёшлари учун мамлакатингизда ёш авлод камолоти йўлида яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда ҳалқингиз манфаати йўлида камарбаста инсонлар бўлиб етишишдек масъулиятли вазифани қўяди.

Мен Ўзбекистонда бир йилдан бўён фаолият юритиб кел-

япман. Мамлакатингиз ёшлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг янгича фикрлайдиган, Ватан тақдири, унинг бугуни ва келажигига даҳлдорлик ҳисси билан яшайдиган ёшлар эканига амин бўлдим.

Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта маҳсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичида замонавий билим ва қасб-хунарларни пухта эгаллаган, чет тилларда эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниқсан, эътиқоди мустаҳкамлашқан авлод вояга етмоқда.

Мамлакатингиз ёшларининг гуманитар ва техник билимларни ўзлаштириш ва амалда кўллаш борасида эришаётган ютуқлари Ўзбекистоннинг буюк истиқболига хизмат қиласи. Ўзбекистон ёшлари сўнгги йилларда ЮНЕСКО томонидан ёш олимлар учун ўтказиладиган танловда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритилмоқда. ЮНЕСКО барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида маданий ва илмий соҳаларда изланиш олиб бораётган ёш ва иқтидорли олимларни бундан кейин ҳам кўллаб-куватлайверади.

— Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ҳар икки йилда ўтказилётган «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусиқа фестивали ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусиқа фестивали ранг-

баранг маданиятлар, асрий анъаналарни мусиқа орқали бирлаштириб, ҳалқлар ўртасидаги дўстликни, тинчлик-осоийиштадикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Номоддий маданий меросни сақлаш, муҳофаза қилиш ва келажак авлодга етказишига улкан ҳисса кўшаётir. Номоддий маданий мерос шу меросни авлоддан авлодга ўтказидиган жамият ва гурухларга ўзликни намоён қилиш, инсониятнинг ижодкорлик салоҳиятини оширишига хизмат қиласи. Шу сабабли бой маданий ранг-баранглини, хусусан, мусиқа санъатини жаҳонга кенг намоён этишда номоддий маданий меросни сақлаш ва муҳофаза қилиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг 2003 йилда қабул қилинган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳалқаро конвенцияси ижросини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО шафелигига ҳар икки йилда ўтказилётган «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусиқа фестивали нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё номоддий маданий меросини тиклаш, асрар, тарғиб қилиш ва авлоддан авлодга етказишига ўзининг бекиёс ҳиссасини кўшмоқда.

**ЎзА мухбири
Нодира МАНЗУРОВА
сұхбатлаши.**

МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ



Жорий йил кимё фани бўйича ўтказилган 45-ҳалқаро олимпиадада Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Бекзод Болтаев олтин медалга сазовор бўлди.

мактабида ўқиётганида она тили ва адабиёт, кимё каби ғонлар бўйича билимлар беллашувининг туман, шаҳар босқичларидаги юқори ўринларни эгаллади. Айни пайтда Бекзод мактаб қошида ташкил этилган таэквондоинг ITF йўналиши бўйича ҳам спорт секциясига қатнайди. Бекзод таэквондо бўйича 2007, 2009, 2012 йилларда ўтказилган мамлакат чемпионатида уч карра Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Жорий йил Бекзод учун чинакам изланиш, билимлар чўқиси сари интилиш, зафарлар иили бўлди. Март ойида кимё фани бўйича фан олимпиадасининг Тошкент шаҳар босқичида муваффақият қозонди. Сўнгра Тошкентда 24 апрелдан 1 майга қадар бўлиб ўтган ўқувчилар ўртасидаги кимё фанидан 47-ҳалқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этди. Юртимизнинг таълим соҳасидаги исло-

майди. Сўнг лицейга йўл олади. Кимё фанининг биологик, таҳлилий, физик, органик, анорганик турлари бўйича кўшимча дарсларга «шўнгийди»... Компьютер саводхонлиги, инглиз тилидан билимни тобора мустаҳкамлаш, бадиий китоб мутолааси, ўй юмушлирига кўмаклашиш, қадрдан дўстлар билан дийдорлашиши ҳам унутмайди.

Болалиқдан кун тартибини тўғри белгилаш, вақтни унумли тақсимлашни одатга айлантиргани Бекзода катый интизом, мустаҳкам ирода, қунт, зийраклик каби фазилатларни шакллантириди. Мирзо Улуғбек туманинда — сузиши кандо қил-

ҳотлари, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, ёшлар камолоти йўлидаги улкан эътиборни жаҳон ёшларига яна бир бор намойиш этган ушбу билимлар беллашувидан 17 мамлакатдан 118 нафар йигит-қиз иқтидорини синовдан ўтказди. Турли мураккабликдаги масалалар, назарий билим, лаборатория ишига оид, билимини ҳалқаро миқёсдаги ҳакамлар хайъати «чиририғи»дан муваффақиятли ўтказган Бекзод олимпиадада иккичи ўринни кўлга киритди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур барча шароитнинг яратилгани фарзандларимиз ютуқларида мухим омил бўлаётir, — дейди Бекзод. Натижалар эълон қилиниб, ўзбекистонлик Бекзод Болтаев биринчи ўринни эгаллагани маълум бўлди, ёш ҳамортизимиз кўвончу ҳаяжонининг чеки йўқ эди. Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Япония сингари давлатлар вакиллари бундай юксак натижалардан анча орқада қолган эди.

Бундай олимпиаданинг топшириклари, кимёвий масалаларини ечишда бўзни тажрибали ўқитувчилар ҳам қийналади, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей директори Ортиқбоев. — Айни пайтда ўзбек ёшлари бу топширикларни муваффақиятли бажариб, бир олтин, иккита бронза медал-

лаб ҳам, рақобат ҳам жуда кучли бундай беллашувда Бекзод билан бирга, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг С. Сироҳиддинов номидаги академик лицеи ўқувчилари Дилшода Ортиқбоева, Билолиддин Шаробиддинов дастлабки турда органик моддалар синтези, кимёвий таҳлил, полимерлар анализи сингари мураккаб лаборатория жараёнларини муваффақиятли бажарди. Кейинги босқичда эса ўнга яқин кимёвий масала ишланди. Натижалар эълон қилиниб, ўзбекистонлик Бекзод Болтаев биринчи ўринни эгаллагани шаҳарни мурасамада қўйиб кечиб ўтказди.

Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшлар учун яратилган улкан имкониятлар шароғати билан шундай ютуқларга эришаётirмиз, — дейди Бекзод. — Ўзбекистондек бой маънавий меросга эга, жаҳон илмий ривожига муносиб ҳисса қўшган мутафакир аждодларимизга бешик бўлган, фарзандлари меҳр ва ардоқдаги табаррук дигъенинг фарзанди эканимдан фоят фарҳланаман.

Кимё — турли формулаларга бой, мураккаб ва қизиқарли фан. Бекзод билан сұхбатлашиб, ютилизинг минглаб иқтидорли ёшлари эришаётган ютуқларнинг формуласини англаб етгандек бўлгани. Доимий эътибор ва ғамхўрлик, қунт, билим ва меҳнат, истеъоддот ва қобилият, буюк аждодларимизга муносиблик масъулияти — муваффақиятнинг асосий қалитидир.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири**

ни кўлга киритганидан бўшимиз кўлларга етди. Бундай ютуқлар замонидан Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида изчилик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари мужассамдир.

Бекзоднинг орзуси — шифокор бўлиш. — Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшлар учун яратилган улкан имкониятлар шароғати билан шундай ютуқларга эришаётirмиз, — дейди Бекзод. — Ўзбекистондек бой маънавий меросга эга, жаҳон илмий ривожига муносиб ҳисса қўшган мутафакир аждодларимизга бешик бўлган, фарзандлари меҳр ва ардоқдаги табаррук дигъенинг фарзанди эканимдан фоят фарҳланаман.

Кимё — турли формулаларга бой, мураккаб ва қизиқарли фан. Бекзод билан сұхбатлашиб, ютилизинг минглаб иқтидорли ёшлари эришаётган ютуқларнинг формуласини англаб етгандек бўлгани. Доимий эътибор ва ғамхўрлик, қунт, билим ва меҳнат, истеъоддот ва қобилият, буюк аждодларимизга муносиблик масъулияти — муваффақиятнинг асосий қалитидир.

Машҳурлар ёшлар даврасида

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида қарши олинаётган мустақиллигизинг 22 йиллиги юртимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда. Жойларда байрам муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар, фестиваллар ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Сирдарё вилоятида ҳам шундай улуғ ва эзгу байрамни муносаби кутиб олиш максадида туман ва қишлокларда ёшлар фестиваллари бўлиб ўтмоқда. Сайхунобод туманида ташкил этилган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остидаги ёшлар фестивалида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»

каддас Саъдуллаева, Севара Солиева, Наргиза Раҳмонова иштирок этди. Фестиваль доирасида бир катор ўзига хос лойиҳалар ташкил этилди. Ҳусусан, «Ҳоким ва ёшлар», «Сиз севган қаҳрамонлар» каби тадбирларда мустақилликни асрар-авайлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, истиқлол ийларида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга гапириб берилди.

Ёшлар фестивалида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сайхунобод тумани кенгаши томонидан ўтказилган турли тадбирларда ўзининг фоллиги билан юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган ёшлар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Унга кўра, «Энг намунали бошлангич ташкилот етакчиси» номинацияси голиблигига 19-мактабдаги «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси Нодир Мирзаев, «Энг намунали маҳалла раиси» номинацияси голиблигига «Гулбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурасул Каршибоев, «Энг намунали коллеж етакчиси» номинацияси голиблигига Сайхунобод саноат касбхунар коллежи бошлангич ташкилоти етакчиси Хуршид



Норматов сазовор бўлди. Шунингдек, туман маданияти ва спорт ишлари бўлими ходими Раҳмон Баҳромов, «Келажак овози» кўрик-тандловининг вилоят босқичи голиби Гулҳаё Эрназарова, гимнастикачи Муҳайё Сирожиддинова, «Бунёдкор» меҳнат гурухининг фаол аъзолари ҳамда туман болалар ва ўсмиirlar sport мактаби директори Аҳорон Ёқубов ҳам фестивалдаги фо-

оллиги учун тақдирланди.

Фестиваль санъаткорларнинг дилтортар кўй-кўшиклиридан иборат концерт дастурига уланиб кетди. Сайхунободлик ёшлар меҳмонлар билан эсадлик учун суратга тушди.

**Элёр ЖЎРАЕВ,
«Камолот» ЁИХ Сирдарё
вилояти кенгаши
матбуот хизмати етакчи
мутахассиси**

Меҳрга муносиблар...

Урганч туманидаги «Шодлик» болалар ёзги оромгоҳида ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил қилинди. Ушбу лойиҳа Ҳаракатнинг Хоразм вилояти кенгashi ва ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилиб, бу йил унга юз нафарга яқин бола жалоб этилди.

Бир ҳафта мобайнида болалар учун турли мавзулардаги маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди. «Мен аскар бўламан!» шиори остида ҳарбий хизматчилар билан бўлиб ўтган давра сухбатлари, «Шунқорлар» ва бошқа шу каби ҳарбий-спорт мусобақалари ҳамда ўйинлар ёшларга, айниқса, манзур бўлди. Лойиҳа иштирокчилари, шунингдек, волейбол, футбол, баскетбол, енгил атлетика бўйича ўзаро беллашдилар.

— Оромгоҳда болаларнинг вақти мазмунли ўти-

шига ҳаракат қилдик,— дейди «Камолот» ЁИХ вилоят кенгashi бўлим мудири Мардон Раҳмонов. — Шу мақсадда лойиҳа дастурига ҳуқуқий, сиёсий, диний, мавнавий-маърифий мавзулардаги давра сухбатлари киритилди. Ёшлар вилоят ҳоқимлиги, Ҳаракатнинг вилоят кенгashi ва кенгаш қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази мутахassisлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, вилоят ИИБ профилактика инспекторлари билан бевосита мuloқot қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш-

ди. Бундан ташқари, оромгоҳда Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали «Камолот» чиларидан иборат тарбибот гурухи фолиият олиб борди. Академия талabalari ҳар куни болалар билан учрашиб, кийиниш маданияти, ОИТС, татиуровка ва пирсинг, рангли ва газли ичимликларнинг организмга заарли таъсири, тамаки ва нос чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг аянчли оқибатлари каби долзарб мавзуларда қизиқарли сухбатлар олиб боришиди.

— Оромгоҳ ҳаётимга янгилик олиб кирди, мен бу ерда кўплаб дўстлар орттиридим, — дейди Хива туманидан келган Баҳтиёр Бойжонов. — Биз турли тадбирларда қатнашиш асносида бир-бirimiz bilan aҳil-iноқ бўлишни ўргандик. Мен шу кунларда юрт келажаги биз,

ёшлар кўлида экани, бунинг учун ҳар биримиз иллатлардан узоқ бўлиб, фоқат бунёдкорлик ишлари билан шугулланишимиз ва ҳамиша Ватанимизга содик фарзанд бўлишимиз кераклигини теран тушуниб етдим. Оромгоҳни ташкил этган, бизнинг тарбиямиз учун қайгураётган «Камолот»чи ака-опала-римга самимий раҳматимни айтаман.

Ҳафта якунида «Хайр, оромгоҳ!» мавзууда танлов ўтказилиб, унда иштирок этган барча тарбияланувчилар «Камолот» ЁИХ вилоят кенгashi томонидан эсадлик совғалар билан тақдирланди.

**Зухроб МАТМУРОДОВ,
«Камолот» ЁИХнинг
Тошкент тиббиёт
академияси Урганч
филиалидаги бошлангич
ташкилоти етакчиси**

Жонкуяр мураббий қиз

Бугун юртимизда қай соҳага қараманг, шиҷоатли тенгдошларимизнинг чин кўнгилдан, астойдил меҳнат қилаётганига гувоҳ бўласиз. Шундай жонкуяр қизлардан бири сўхлик Рухшона Жумаевадир.

Рухшона дастлаб ўзи таҳсил олган Сўх қишлоқ ҳўжалиги касбхунар коллежида бадиий гимнастика сирларини эгаллади. Коллежни тамомлаб, орзусини рўёбга чиқарди — Сўх тумани «Лимбур» МФИдаги 18-мактабда бадиий гимнастика бўйича тўғарак ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур тўғарак аъзолари эллик нафардан ошиди. Улар ўзгача иштиёқ билан шугулланишмоқда.

— Ватан равнақи, осойишталиги — энг буюк баҳт, — дейди мураббий қиз Рухшона Жумаева. — Юрт тинчлигидек бебаҳо неъмат қадрига етиб, унинг тараққиётига ҳар биримиз муносаби ҳисса қўшишимиз лозим. Ҳар



ким берилган имкониятлардан тўла унумли фойдаланиб, мустақилликни асрар-авайламоги керак.

Бахтимиз шуки, тенгдошларимиз орасида Рухшона каби интилевчан, файратли, ватанпарвар ёшлар бисёр. Уларнинг юрагида она юрт меҳри вулқондай гумбурлаб садо беради. Вата-

нимизнинг ҳар бир фуқароси юрт учун шундай қайгуриб, унинг келажагини буюк этишга астойдил ҳаракат қилса, юртимиз бундан ҳам обод, турмушиз янада фаровон бўлади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**

Bayram shukuhi

To'g'ri yo'l

Хатога йўл қўйган одамни яхши томонга бошқариш, эзгуликка бошлаш инсон маънавиятига хос олий қадриятдир. Айниқса, вояга етмаганлар билан ишлашда тўғри йўл тутилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Мазмунли етти кун

Жиззах вилояти Зомин туманида жойлашган «Алоқачи» болалар оромгоҳида ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Албатта, бундан мақсад вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ИИБ профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганларни ҳисобдан чиқариш ва юқоридаги салбий кўрсаткичларни камайтиришдир. Етти кунлик ҳарбий-спорт оромгоҳи ёшларнинг тарбияси ва руҳиятида қайсиидир даражада ижобий ўзгариш ясади, десак, муболага бўлмайди. Оромгоҳга жалб этилган ёшлар вилоятнинг таникли спорт усталари, ёш шоирлар, маданият ходимлари билан учрашибди. Вилоят сардорлар кенгashi томонидан интерфаол ўйинлар, семинар-тренинглар, спорт мусобақалари ташкил этилди. Оромгоҳга шаҳар, туманлардан жалб этилган 51 нафар ёшга «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг эсадлик соғвалари ҳамда фахрий ёрликлари топширилди.

Йигирма нафар ички ишлар профилактик ҳисобида турган вояга етмаганга ташкил этилган оромгоҳ давомида фаоллиги, интизоми, хулки ижобий томонга ўзгаргани сабабли, Ҳаракатнинг Жиззах вилояти кенгashi томонидан ички ишлар профилактик ҳисобидан чиқариш учун тавсияномалар берилди.

**Иноятулла ОТАМУРОДОВ,
«Камолот» ЁИХ Жиззах вилояти
кенгashi фаоли**

Ҳашарда ҳамжиҳат тенгдошлиаримиз

Халқимизда ажойиб анъана бор: кимдир тўй қилмоқчи бўлса, тайёргарликни бир неча ой олдин бошлайди. Ўйларни бўёқ-сувоқ қилиб, ён-атрофни тартиб келтиради. Ҳамма иш саришта бўлгач, маҳалла-кўй ва қўни-қўшнилар билан кенгашиб, тўйни бошлайди.

Бугун мамлакатимизда ҳам истиқлол тўйимизга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан 24-25 август кунлари юртимиз бўйлаб ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлиқда амалга оширилди. Шу кунлари эрта тонгдан ҳашарга отланган юртдошлиаримиз кўчахиёбонларни, ариқ ва зовурларни тозалаб, чиқиндиларни чиқаришди. Дараҳтларга шакл берип, оқлашди. Яхши ният билан манзарали кўчатлар ўтқазиши. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча туман, шаҳар, вилоят кенгашлари томонидан ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ ЖАРАНГЛАЁТГАН ГЎШАДА

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз олдидан ташкил этилган умумхалқ ҳашарида бир гуруҳ самарқандлик тенгдошлиаримиз эрта тонгданоқ енг шимамириб, тозалаш ва ободонлаштириш ишларига киришиб кетди.

Маълумки, шу кунларда Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» IX ҳалқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтаяти. Шу муносабат билан шаҳарда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Албатта, бу ишларга каттаю кичик бирдек ўз хиссасини қўшди. Бу умумхалқ ҳашарида янада яқолроқ намоён бўлди. Шу кунлари Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши аъзолари томонидан шаҳарнинг марказий кўчаларида янги гулзорлар барпо этилди, мавжудлари бегона ўтлардан тозаланиб, янги гуллар экилди. Дараҳтларга шакл берилиб, таги юмшатилди.

— Умумхалқ ҳашарида биз ҳам барча ҳамшахарларимиз сингари меҳнат курларини олиб, темир йўл вокзали майдонига келдик. Бу ерда ҳашарга чиқкан кўнгилли тенгдошлиаримизни кўриб, жуда қувондик. Улар билан йўл ёқасидаги гулларни суғориб, дараҳтларни бутадик, — дейди Самарқанд шаҳар сардорлар кенгаши раиси Садриддин Қаршибоев.

— Бугун шаҳримизнинг тобора чирой очиб бораётганини кўрган инсоннинг баҳри дили очилади. «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусиқа фестивали муносабати билан шаҳримизга кўплаб сайёхлар келган. Шаҳримиз тозалигига, ободлигига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳашарда фаол қатнашдик. Биз, ёшлар мана шу анъанани унумасдан, келажак авлодга ҳам сингдириб боришимиз лозим, — дейди Самарқанд давлат университетидаги «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси Ҳ.Тўхтаев.

«ЁШЛАР КЎЛИ»ДА ҲАШАР

Бугун Хоразм воҳасида ҳар қачонгидан-да кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бунга ёшлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. «Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳарда барпо этилаётган «Ёшлар кўли» худудида ҳашар ташкил қилинди. Unda вилоятнинг барча туманларидан жалб этилган уч минг нафарга яқин ёшлар, шунингдек, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёш ишчи-ходимлар қатнашди.

— «Ёшлар кўли» янги дам олиш объекти ҳисобланниб, уни мамлакатимиз мустақилларининг 22 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган, — дейди «Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши раиси Фозил Болтаев. — Шу боис бу ердаги ҳашар нақ ўн кунга мўлжалланди. Айни вақтгача объектдаги деярли барча қурилиш ишлари ўз ниҳоясига етган. Бу жараёнда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам фаоллик кўрсатганини алоҳида таъкидлаш лозим.



Носир Ҳайдаров олган сурат

Хозир кўл ҳудуди ва атрофи ободонлаштирилмоқда. Ҳашарнинг биринчи кунларида ёшлар томонидан йўлаклар супурилиб, манзарали дараҳтлар оқланди ва уларга шакл берилди.

«Камолот»чилар «Ёшлар кўли»нинг очилиш маросимини ҳам ана шундай уюшқоқлиқ билан ташкил этишини реjalаштиришган.

«ФАМХЎРЛИК» ГУРУХИННИГ ФАМХЎРЛИКЛАРИ

Шу кунларда Тошкент вилоятининг фаол «Камолот»чилари ҳамда сардорлар кенгаши аъзолари иштирокида ёшлар ҳашари ташкил этилди. Икки кунлик ҳашар ишларида 221,4 гектар майдон, беш юз километрга яқин ариқ ва зовурлар, 140 та қабристон ва зиёратгоҳ тозаланиб, ободонлаштирилди. Ёлғиз яшовчи қариялар, эҳтиёжманд оиласлар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ходимлари эса Юқори Чирчик туманинаги «Дўстлик» ўйингҳоҳи ҳудудида олиб борилган ободонлаштириш ишларида иштирок этиши.

— Бу галги ҳашарда ёшлар ободонлаштириш ишларини ўз ўйлари, кўча ва маҳаллаларидан бошлашди, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши бўйлим мудири Дилором Абдуғаффорова. — Улар ўзлари яшаётган маҳалладаги ёлғиз қариялар хонадонлаштирига бориб, уй юмушларига кўмаклашди. Бунда, асосан, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари қошида ташкил этилган «Фамхўрлик» гурухлари фаол иштирок этди.

Ҳаракатнинг Зангиота, Қиброй тумани ҳамда Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган ҳашарда худудларда жойлашган қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Дараҳтларга шакл берилиб, гуллар экилди.

— Ҳар бир ҳашар ва ободонлаштириш ишлари туманинг кўтаринки руҳда ўтказилади. Чунки ҳашар орқали ҳар биримизнинг кўнглимида юртга меҳр туйғуси ошиб бораверади. Икки кунлик ҳашар тадбирларида туманинг ҳудудидаги қабристон ва зиёратгоҳларда, кўча ва хиёбонларда ободонлаштириш ишларини олиб бордик. Бошлангич ташкилот етакчиларида бирриклигига ёлғиз яшовчи қариялар томорқаларини тартибга келтириб, гул экдик, — дейди қибрайлар «Камолот» фаоли Гавҳар Норматова.

Юртимиз гўзалигига янада тароват улашиш, мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш, юртдошлиаримиз қалбиди Ватанин улуғлаш, энг асосийси, уни асрар-авайлаш мақсадида ташкил этилган бундай хайрли тадбирларда иштирок этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ҲАШАР ОШИ

Ҳашар кунлари Ҳаракатнинг Ромитан тумани кенгаши «Озод ва обод юртга ҳашарлар ярашади» шиори остида «Ўба» маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида жойлашган «Бахру Шайх» қабристонида ёшлар ҳашарини ўтказди. Unda маҳалладаги кўнгилли ёшлар Ҳаракатнинг туман кенгаши ходимларига бирлашиб, ободонлаштириш ишларини олиб бориши.

Ҳашарчилар икки гектарга яқин ҳудуди турли чиқинди ва хаслардан тозалашди. Шу билан бирга, саксондан ортиқ қаровсиз қолган қабрларнинг ён-атрофи ободонлаштирилди. Ёшларни бирлаштирувчи бундай хайрли тадбирлар, ёшлар онгига юртга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат тўйгуларини шакллантиришда мухим аҳамиятга эга.

Ҳашар сўнгидаги тумандаги «Ўба» фермер хўжалиги томонидан ҳаракатчиларга дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

Oboz turmush yili

ЁШЛАР БЕФАРҚ ЭМАС

Ҳашарда чилонзорлик «Камолот»чилар ҳам фаол қатнашди. Улар «Озод юртга обод манзиллар ярашар!» шиори остида тумандаги қабристон ва зиёратгоҳларда ҳамда «Камолот» боғида ободонлаштириш ишларини уюшқоқлиқ билан олиб бориши.

Ҳашар ишларига Ҳаракатнинг туман кенгаси ходимлари, «Камолот» фаоллари, сардорлар ва маҳалла ёшлари жалб этилди. Улар жойлардаги майший ва курилиш чиқиндиларини тўплаб, техника ёрдамида олиб чиқиши. Даражатларга шакл берилиб, кесилган шоҳшаббалар олиб ташланди.

— Бугун истиқолимизнинг 22 йиллиги тантанаси олдидан уюштирилган умумхалқ ҳашарида қатнашётганимдан хурсандман. Сабаби менинг ҳам шу юрт ободлигига ҳиссам қўшиляпти. Ҳашарга келган тенгдошлиарим билан сұхбатлашганимда, уларнинг барчаси ўз истаги билан келганини билдири. Бу ёшлар Ватан ва унинг нурли истиқболи, эртанги тараққиётига бефарқ эмаслигидан далолатdir, — дейди 1-республика тиббиёт коллежидаги «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси Нилюфар Тўраева.

СИРДАРЁ БҮЙЛАРИДА

Истиқлол айёми арафасида амалга оширилган умумхалқ хайрия ҳашари Сирдарёда ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Ҳашар баҳонасида эл-улус тўпланиб, аввало, ўз хонадонларида, кўчаларида, маҳалласида, сўнг меҳнат жамоалари билан биргаликда ишхоналари атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишларини бажариши.

Ҳашарчилар гул кўчатлари ва довдараҳтларга шакл берип, чор атрофни турли чиқиндилардан тозалашди. Сирдарёликлар икки кун давомида 396,3 гектар майдон, 499,9 километр ариқ ва лотоклар, 198 та зиёратгоҳ ва қабристонни тозалаб, ободонлаштирилди. 1,278 тонна майший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Ҳашарчилар томонидан 278895 дона дараҳт оқланиб, шакл берилди. Вилојтда ҳашар йўли билан 4562 та ўй-жой таъмирланди.

Ушбу умумхалқ ҳашарида «Камолот»чилар ва сардорлар алоҳида жонбозлик кўрсатиши.

ОБОД ЙОРТ ЖАМОЛИ

Тозалик бор жойда хосият бор, дея билишган навоийликлар ҳам ҳашарда фаол иштирок этиши. «Камолот»чилар даастлабки ишни Ҳаракатнинг вилоят кенгашидан бошлаши.

Асосан Навоий шаҳридаги ҳашарчиларга бош-қош бўлган вилоят кенгаши ходимлари икки юзга яқин дараҳтни оқлаб, тўрт гектар ер майдонини ҳамда уча қабристон ва иккита қадамжони ободонлаштириди.

— Эрта тонгдан тўграк аъзолари билан енги шимамириб ишга киришдик. Бундай замонавий «Ёшлар маркази»да ўқишнинг ўзи бир бахт. Бу ердаги шароитлардан унумли фойдаланиш, уни асрар-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ҳашар куни марказимиз янада гўзаллашиди, — дейди Навоий шаҳридаги вилоят «Ёшлар маркази»нинг пазандалик тўгарағи аъзоси Шоира Жиянова.

Ҳашар кунлари вилоятдаги ўн беш мингга яқин ёшлар ҳамжиҳатлиқда қирқ икки гектар майдонда ободонлаштириш ишларини бажариб, ўттиз тоннага яқин майший ва қурилиш чиқиндилари олиб ташлаши. Бир километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланиб, уч юз қирқ тўққизга зиёратгоҳ ва қабристонда ободонлаштириш ишларини олиб борилди. Уч мингдан ортиқ дараҳтлар оқланиб, шакл берилди.

Ҳашарда иштирок этган ёшларнинг мақсади муштарак — шу юрт кўркамлиги, унинг янада гуллаб-яшнаши, ободлиги учун муносиб ҳисса қўшиш. Зоро, озод юртга обод юртга байрамлар ярашади.

**Сахифани
Рустам ЮСУПОВ тайёрлади**

Меҳнат ёшларни шарафлайди

«Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати сафида ўзларини мустақил ҳаётга тайёрлаётган ёшлар кўп. Жиззах вилоятида ҳам 1344 нафар ёш ушбу меҳнат ҳаракатига аъзо бўлиб, турли соҳаларда самарали меҳнат қилди.

— Вилоятимиздаги ёшларни ёзги таътил даврида ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиб, уларга кўшимча даромад олиш имконини яратиш мақсадида 545 нафар ўкувчи ва талаба ҳамда 799 нафар уюшмаган маҳалла йигитларидан иборат ёшлар меҳнат гурухлари ташкил этилганди. Иш берувчи ташкилотлар билан имзоланган шартномага асосан, улар қурилиш, ободонлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишларида қатнашмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Жиззах вилояти кенгаси раиси ўринbosари Ориф Шукров. — Жиззах политехника институти талабаларидан ташкил топган меҳнат ҳаракатига эса 250 нафар намунали талаба жалб қилинди.

Ушбу ҳаракатга аъзо бўлган талабалар ўтган ойнинг бошида қурилиш ишларига йўл олаётганда ишга кузатиш маросими юқори савиядада ташкил этилган эди. Вилоят ҳокимлиги, институт маъмурияти

хамда «Камолот»чилардан иборат вакилларнинг далдаси, кучли рағбати билан иш бошлаган талабалар бугун мавсумий ишдан ёруғ юз билан қайтишиди. Улар мавсум давомида Зафаробод туманининг «Бирлик», Пахтакор туманидаги «Пахтакор», «Чаманзор», Дўстлик туманидаги «Навбахор», «Мевазор», Мирзачўл туманидаги «Галлакор» ҚФЙларда ҳамда Арнасой туманидаги янги қурилаётган объектларда қурувчиларга кўмакчи бўлишиди.

Ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда Ҳаракатнинг Жиззах тумани кенгаси ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. Ушбу меҳнат ҳаракати фаолиятини кенгайтириш ва тизими такомиллаштириш мақсадида туман кенгаси томонидан самарали ишлар йўлга кўйилган.

— Туманимиздаги жамиёттита ҳудудда — «Кўшбармоқ», «Учтепа», «Оқолтин»,



«Гандумтош», «Зиёкор», «Тоқчилик» ва «Пахтаобод» ҚФЙларда намунали ўй-жойлар барпо этилмоқда. Туман кенгаси томонидан ушбу қурилиш ишларига тумандаги 250 нафардан ортиқ уюшмаган ёшлар жалб этилди, — дейди туман кенгаси раиси Нуриддин Холматов. — Шунингдек, уларнинг ойлик маошлари, яшаш ва овқатланиш шароитлари мунтазам назорат қилинмоқда. Маданий хордик чиқаришлари учун ту-

ман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда тез-тез концерт дастурлари ташкил этиляпти. Фаол ёшлар рағбатлантириб борилмоқда.

Мавсум давомида Жиззах политехника институти талабалари ҳам илфорлик ва жонбозлик кўрсатишиди. Айниқса, Дўстлик тумани «Мевазор» ҚФЙда бунёд этилаётган намунивий ўй-жойлар қурилишида Шерали Умаров, Пахтакор тумани «Чаманзор»

ҚФЙдаги намунавий ўй-жойларда Шоҳруҳ Олтинов бошқа тенгдошларига ўрнак бўлиб, фаол меҳнат қилди.

Жиззах туманидаги «Оқолтин» ҚФЙ худудида қурилаётган ўй-жойларга борган киши чинакам бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлади. Бу ерда меҳнат қилаётган 24 ёшли Сарвар Исроилов ҳам ўзининг бўш вақтини юртимиздаги бунёдкорлик ишларига сафарбар қилди.

— Ўтган йили ҳам намунавий ўй-жойлар қурилишида иштирок этиб, ўзим ва оиласа эҳтиёжи учун анчагина пул ишлаб олганман, — дейди у. — Бу йил ҳам мутасадди ташкилотлар томонидан ойлик маош, маҳсус кийим-кечак, тураржой, иссиқ овқат билан таъминландик. «Камолот»чилар тез-тез ҳолимиздан хабар олиб, рағбатлантириб туришди. Бу эса бизнинг ғайратимизга гайрат қўшади.

«Бунёдкор»чилар сафи йилдан йилга кенгаймоқда. Келажакда ушбу меҳнат ҳаракати ёшларнинг ўзига хос ҳаёт мактаби бўлиб қолишига ишонамиз.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Бу манзилда қуёш ботмайди

Инсоннинг қўли гул. Бетиним меҳнати ва кучли матонати ери обод қилишга қодир.

Үйчилик Мирзоҳидга фермерлик отамерос. Наманган саноат касб-хунар коллежини битиргач, фермерлик сирларини иш юритувчи бўлиб ишләётган кезлариданоқ ўргана бошлади. Ниҳоят, 2011 йилда ўз маблағи ҳисобидан «Мирзаҳад» ота ўғли Нурмуҳаммад» фермер хўжалигини ташкил этди. 55 гектар ерга ишлов берди. Янги иш ўринларини жорий қилди. Йиллар тажрибаси, ходимларнинг ҳамжиҳатлиги самараси ўлароқ, ҳосил орта бошлади.

— Фермер хўжалигимиз, асосан, ғалла уруғчилигига ва пахтага ихтисослаштирилган, — дейди ёш тадбиркор Мирзоҳид Мирзаҳмедов. — Ҳар гал мавсумга пухта тайёргарлик кўрамиз. Ишларни режалаштириб оламиз. Йилдан йилга даромад ҳам ортиқ бормоқда. Мисол учун, 2012 йилда буғдойдан 116 тонна ҳосил олдик. 1400 килограмм пилла ҳамда 101 тонна пахта йиғиб, 13 миллион сўм соғ фойда кўрдик. Шукрки, 2013 йил ҳам биз учун сеҳроҳисил келди. Ғалла мавсумида белгиланган режани ортиғи билан бажариб, 116 тоннадан юқори натижага эришдик.

Тадбиркор деганлари тиниб-тинчимайди. Янги ғоялар ташаббуси билан яшайди. Мирзоҳид ҳам ана шундай уddyабурон ёшлардан. Кўп тармоқли фермер хўжалигига балиқчилик ва чорвачиликни ҳам йўлга кўйган. Саккиз сотих ерда кўркамгина сув ҳавзаси барпо этиб, балиқ етиштироқда. Шунингдек, 24 бош қорамол ҳамда 200 тадан ортиқ парранда боқмоқда. Ўттиз тупдан ортиқ мевали дараҳт, тут плантацияларига экилган Испания маккажӯхориси кўкка бўй чўзмоқда. Улардан олинадиган маҳсулотлар эса ишчи-ходимларнинг кундалик эҳтиёжларига сарфланади. Бундан ташқари, савдо дўқонлари, сартарошхона каби аҳолига майший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари эл хизматида.

Мирзоҳид ҳар йили янги иш ўринларини

ташкил этиш бўйича илгари сурган лойиҳаларига асосан, бўш иш ўринлари ярмаркаларидага мунтазам иштирок этиб боради. Бу йил ҳам йигирмата иш ўрни тўлдирилди, ишга жойлашганлардан уч нафари касб-хунар коллежи битирувчисидир.

— Ер билан тиллашган қалб хор бўлмайди, — дейди тенгдошимиз Гулсанам Тўхтаназарова. — Уйчи саноат-транспорт ва алоқа касб-хунар коллежини тамомлагач, «Мирзаҳад» ота ўғли Нурмуҳаммад» фермер хўжалигига иш бошладим. Ҳали тонг ёришмай туриб далага ошиқамиз. Қуёшнинг заррин нурларида товланаётган, ўйноқи шамолда тебранаётган гўзаларда дараҳтларнинг тилини тушунгандек бўласиз. Улар меҳрингиз ва меҳнатингиз тафтида кундан кунга улғайиб боради.

Гулсанамнинг туйғуларини илғагандекмиз. Дала майдонларини кўздан кечиралимиз. Эртаниндин очиламан, деб турган гўзалар кўнглингизга ўзирадай мусаффолик бағишилайди.

Дарҳақиқат, пахта йиғим-теримига ҳам саноқли кунлар қолди. Фермер хўжалиги аъзолари мавсумга тайёргарликни аллақачон бошлаб юборган.

— Миллый бойлигимизни нест-нобуд этмай йиғиб олиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз, — дейди Мирзоҳид сухбат давомида. — Уч турдаги техника воситаларимиз мавсумга шай. Бу йил ҳам юқори кўрсаткичларга эришишни ният қилганимиз.

Ғўза майдонларини айланар эканмиз, ногоҳ кимнингдир «Эҳтиёт бўлинг, ҳар бир япроқ биз учун азиз», деган гапидан хушёр тортдик. Ҳайрон бўлдик, лекин заҳматкаш меҳнат аҳлининг миллий бойлигимизга бўлган хурмати бизни тўлқинлантириб юборди.

**Ойдина РЕЖАББОЕВА,
Наманган вилояти**

Yosh tadbirkorlar

Ma'naviyat

Аждодларимиздан қолган бой маданий меросни ўрганиш, асрраб-авайлаш, ёшлар орасида тарғиб этишда Президентимиз ташаббуси билан Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бунёд этилган археология музейи муҳим аҳамият касб этади.

Мозий садоси

Айни пайтда мазкур музейда турли археологик қазилмалар ва изланишлар маҳсулни ўлароқ тўплланган 81830 та ноёб экспонат сақланади.

— Ҳар бир мамлакатнинг маданий ҳаётида, унда улғаяётган ёшлар тафаккури камолотида осори-атиқаларнинг, мамлакат тарихини ўрганишнинг аҳамияти катта, — дейди Термиз археология музейи директори, тарих фанлари номзоди Исмоил Ботиров. — Шу маънода, ходимларимизнинг жаҳон музейшunosлигидаги илғор тажрибаларни ўрганиб, ҳаётга татбиқ этиши учун бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик олиб боряпмиз. Қолаверса, юртимиз ва хорижда ўтказилаётган кўргазмалар орқали мамлакатимизнинг бой тарихи, буғунги ютуқлари билан дунё жамоатчилигини таниширияпмиз.

Бундан иккى йил муқаддам музей катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Шопўлат Шайдуллаев ва Мюнхен универсиитети илмий ходими Кай Канют бошчилигидаги гуруҳ Шеробод туманидаги Тиллабулоқ ва Араббулоқ ёдгорликларида археологик қазилмалар олиб бориб, Ўзбекистон худудида шаклланган қадим давлатчилик тарихи охирги ташминлардан уч аср кўхнароқ эканига асос бўладиган, аждарҳо қиёфаси тасвирланган мухрни топди. У Мюнхен шаҳридаги маҳсус лабораторияда текширувдан ўтказилгач, милоддан аввалги XX асрга тегиши экани маълум бўлди. Натижада ўзбек археологияси тарихида янги саҳифа очилди. Чунки шу пайтга қадар қадим давлатчилигимиз тарихи Жарқутон ёдгорлиги мисолида милоддан аввалги XVII асрга бориб тақалади, деб ҳисобланар эди.

Бойсун туманидаги Кўргонзол ёдгорлигидан милоддан аввалги IV асрга мансуб сопол ванна топилиши жаҳон миёсида катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу топилма халқимиз азалдан маданияти тараққий этганига ёрқин исботdir. Бу каби мисоллар Термиз археология музейи фаолиятида кўп. Айни пайтда музей илмий ходимлари янги археологик топилма устида иш олиб бормоқда. Уларнинг айтишича, бу топилма олдингиларидан кам аҳамиятга эга эмас.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири**

Йигитнинг юраги ёниб турсин!

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаси ўқув-спорт, техника клуби томонидан олиб борилаётган оммавий тадбирлар ёшлар фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ташкилотда таълим олувчи ёшларга алоҳида ётибор билан қаралади. автомобиль тузилиши ва ундан фойдаланиш ҳамда автомобилни бошқариш ва ҳаракат хавфсизлиги асослари ўқув хоналари замонавий автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари ва плакатлар билан таъминланган. Ўқув гурухларида ўқувчилар давоматига катта ётибор қаратилиб, ўқувчилар билим савияси, ўқитувчиларнинг олиб бораётган машгулотлари назоратга олинган. Фанларни ўзлаштириш, билим сифатини ошириш, электрон дарсликлар ёрдамида машгулот-

ларни олиб бориш мақсадида компютер синфи ташкил этилган.

Ўтган саккиз ой мобайнида автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлашнинг сифат кўрсаткичига алоҳида аҳамият берилганлиги ётиборга молик. 16 та ўқув гурухи ташкил этилиб, ҳозиргача юз нафар «В» тоифали, 75 нафар «В», «С» тоифали ҳайдовчи тайёрланди. Йўл-транспорт назорати ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар, шубҳасиз, малакали ҳайдовчилар тайёрлашда қўл келмоқда.

Ташкилотда олиб борилаётган маънавий-маъри-

фий тадбирларнинг барчаси ўқувчи-ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, юрга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган. Бу борада шаҳардаги вояга етмаганлар ўтасида турли мавзуларда ўтказилган тадбирлар, давра сұхбатлари, спорт мусобақалари яхши самара беряпти.

Айниқса, «Обод турмуш йили» муносабати билан қатор тадбирлар амалга оширилди. Кам таъминланган оиласалар фарзандларининг имтиёзли ўқитилаётганлиги ҳам ибратлидир. Махаллаларга, турли ташкилотларга оталиқ ёрдами кўрсатиляпти.

Коллежлараро ўтказиб келинаётган «Ёш чегарачилар» мусобақаси иштирокчилари, пневматик миљтиқдан ўқ отиш, ёзги биатлон каби спорт турлари бўйича ўтказиб келинаётган мусобақалар қатнашчилари,

бир инсон ўзининг табиатидан келиб чиқиб рақобатга киришиши табиий ҳол. Тараққиётнинг асосий мезонларидан бири ҳам рақобат саналади. Доимий интилиш, изланиш ҳеч қачон зиён қилмайди. Фақат рақобатнинг қачон ва нима учун юзага келаётганини аниқлаб олиш керак.

Дўстингизнинг қизиқишиларини ҳурмат қилишининг уни сизга янада яқинлаштиради. Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша феъл-автори бўлади, буни таҳлил қилишдан кўра, унга мослашиб кўринг. Якин дугонангизнинг майда-чўйда ҳаракатларидан хафа бўлишдан кўра, унга нисбатан кечиримли бўлиш асло зарар қилмайди. Унинг ўз қиёфасини шакллантиришига ёрдам беринг. Баъзи камчиликларини босиклик билан тушунтиришга ҳаракат қилсангиз, ҳар қандай тушунмовчиликлар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Нозима Йўтамова тайёрлади

ғолиб ва совриндорлар ташкилот томонидан диплом ва эсадалик совғалар билан тақдирланади.

— Ташкилотимиз томонидан жуда кўплаб оммавий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши одат тусига кирган, — дейди ташкилот раҳбари Зифар Дехқонов. — Бу, биринчидан, ёшларимизни ҳар томонлама чиниқтириб борса, иккинчидан, уларни ижтимоий ҳаётда янада фаол бўлишга унрайди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаси жамоасининг айни шу кунларда олиб бораётган саъҳаракати, бутун дикъат-эътибори ёшларни ҳар томонлама чиниқтиришга, маънавий етук кишилар қилиб тарбиялашга қаратилган.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбари

Рақобат эмас, дўстлик

Баъзида энг яқин дугонамнинг хатти-ҳаракатларини, ўзини тутишларини кўриб, ҳафсалам пир бўлиб кетяпти. Ўртоғим менга рақиб бўлиб қолаётганга ўхшайди, ҳар соҳада менга тақлид қилади. Қизлар учун қадрдан дўст тушунчаси шундай кезларда ўзининг аҳамиятини йўқотиб қўймасмикан, деб ўйлаб қоламан. Дўстлигимизни сақлаб қолиш учун нима қилсан экан?

Манзура, Тошкент шаҳри

Саволга психолог, Тошкент молия институти ўқитувчisi Фотима Ёкубжонова жавоб беради:

— Қалин дўстлар ўтасида умумий қизиқишилар бўлган дагина улар аҳил бўлади. Унинг сизга ўхашаша ҳаракат қилаётгани рақобатга киришиш эмас, балки тақлид бўлиши мумкин. Сиз эса, бундан чўчияпсиз. Баъзи инсонларга ўзига хос қиёфасини топишдан кўра, тайёр имижни ўзлаштириб олиш осон туюлади. Аммо ҳар

дир инсон ўзининг табиатидан келиб чиқиб рақобатга киришиши табиий ҳол. Тараққиётнинг асосий мезонларидан бири ҳам рақобат саналади. Доимий интилиш, изланиш ҳеч қачон зиён қилмайди. Фақат рақобатнинг қачон ва нима учун юзага келаётганини аниқлаб олиш керак.

Дўстингизнинг қизиқишиларини ҳурмат қилишининг уни сизга янада яқинлаштиради. Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша феъл-автори бўлади, буни таҳлил қилишдан кўра, унга мослашиб кўринг. Якин дугонангизнинг майда-чўйда ҳаракатларидан хафа бўлишдан кўра, унга нисбатан кечиримли бўлиш асло зарар қилмайди. Унинг ўз қиёфасини шакллантиришига ёрдам беринг. Баъзи камчиликларини босиклик билан тушунтиришга ҳаракат қилсангиз, ҳар қандай тушунмовчиликлар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Нозима Йўтамова тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2014 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН АКАДЕМИЯ КАТТА ИЛМИЙ-ИЗЛАНУВЧИЛИГИ ҲАМДА МУСТАҚИЛ-ИЗЛАНУВЧИЛИГИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛИК:

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

07.00.11 — Миллий хавфсизлик муаммолари — 3 та ўрин (тарих, ҳуқук, иқтисод йўналишлари бўйича);

08.00.13 — Менежмент — 2 та ўрин (бошқарув менежменти ва қарорлар қабул қилиш назарияси йўналишлари бўйича);

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибида тасдиқланган нусхаси;

● диплом нусхаси;

- тадқиқот мавзуси бўйича эълон килинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг музассал лойиҳаси;

● илмий журнallарда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камидатча) ҳамда тезислар (камидатиккита) нусхалари;

● илмий педагогик фолиятга лаёкатни аниқлаш юзаси-

дан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди дипломига эга талаборлар бундан мустасно);

● етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Қабул имтиҳонлари рўйхати:

● мутахассислик;

- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси;

● чет тили.

Шу билан бирга, «Бошқарувда информацион технологиялар асослари» фанидан сұхбат ўтказилади.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК:
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

07.00.11 — Миллий хавфсизлик муаммолари — (тарих, ҳуқук, иқтисод йўналишлари бўйича);

● илмий ва илмий-педагогик фолиятга лаёкатни аниқлаш юзаси-

08.00.13 — **Менежмент** — (бошқарув менежменти ва қарорлар қабул қилиш назарияси);

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- иш жойидан тавсифнома;
- маълумотнома;
- олий таълим ёки фан номзоди түғрисидаги дипломнинг нусхаси;

- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибида тасдиқланган нусхаси;

- талаборнинг илмий ва илмий тадқиқот фаолиятига лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

- илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

Ҳужжатлар шу йилнинг 15 октабридан 15 ноябригача қабул килинади.

Манзил:

Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-йд. Мурожаат учун телефон: 232-61-42.

Электрон манзил:
khuzhaniiazova73@mail.ru



Дангасами ёки?!

Токиолик исми ошкор этилмаётган аёл ишга бормаслик учун ўзини занжирбанд қилиб ташлади.

Аёл эрталаб туриб ишга боргиси келмайди. Шунда у занжирдан тўр ясадида, унга ўзини боялайди. Занжирнинг учини қулф билан қулфлаб, калитни қули етмайдиган жойга улоқтиради. Кунни иситиш кувурига боғланган ҳолда ўтказган аёл кеч тушгач, бақириб ёрдам сўрайди. Кўшнилар полицияга хабар берадилар. Полиция келиб эшикни бузади ва ўйга ўғри тушган, дея изларни қидира бошлайди. Аёл эса полиция билан сұхбатда бу ишни атай қилганини тан олди. Натижада у жаримага тортилган.

Тўрт асрлик дарахт

Гонгконгда тўрт юз ёшдан ошган дарахт кесиб ташланиши мумкин. У энига анча ўсади, шу сабаб, ўзига катта жой талаб этади.

27 метр квадрат юзани эгаллаган ушбу банъян дарахти 1989 йилда бояни таъмирлаш чоғида жиддий шикастланган эди. Хозирда касалланган ушбу кекса дарахтнинг бошқа дарахтларга зарар етказмаслиги учун боғ маъмурияти уни кесишига қарор қилди.

Антика кашфиёт

Буюк Британиялик Мэтт Маккоун супермаркет аравачасини соатига нақ 113 километр тезлик билан ҳаракатланади. Мэтт аравани ҳайдаш вақтида қаттиқ қўрқанини тан олди. Лекин унга таваккал қилиш омад олиб келди. 52 ёшли «чавандоз»нинг бу натижаси тез орада Гиннеснинг «Рекордлар» китобидан жой олса, ажаб эмас.

Сув париси юз ёшда!

Дания пойтахти Копенгагенда Сув париси эртак қаҳрамонининг юз йиллиги нишонланди.

Тадбирда болалар учун дунёнинг етакчи хонанда ва масхарабозлари қатнашди. Ханс Кристиан Андерсеннинг ажойиб эртак тимсоли 1913 йилда яратилган бўлиб, ўша вақтдан бўён кўплаб болаларнинг севимли қаҳрамонига айланган эди. Копенгагенда ҳайкалтарош Эдвард Эриксен томонидан Сув париси ҳайкали ясалди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Паловхонтўрага келинг!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига багишлаб «Ўзметкомбинат» ОАЖ ёшлари ўртасида «Ўзбеким ўғлонла-ри» кўрик-танлови ташкил этилди. Лойиҳа корхонадаги «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти ва касаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Финал босқичида олти нафар йигит миллий таомимиз — палов тайёрлаш шарти бўйича ўзаро беллашди. Ош танлови корхона ишчи-ходимлари учун ҳақиқий байрам сайлига айланди. Иштирокчиларнинг пазандалик боби-даги маҳоратини тажрибали ошпазлардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Ўзига хос ош чемпионатида 1-ўрин комбинат бошқаруви ходими Умид Тошмуровдага насиб эти. 1-навли прокат цехи устаси Акмал Бадалов 2-ўрин ҳамда кислород компресор цехи ходими Валишер Аҳмедов 3-ўринга сазовор бўлди. Голиблар диплом, ошхона ва маишӣ техника жиҳозлари билан тақдирланди.

Беҳзод КОДИРОВ.

СУРАТДА: Танловдан лавҳа.



Энг фаоллар тақдирланди

Термиз шаҳридаги Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида «Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда мазкур танловнинг худудий босқичларида олтига номинация бўйича голиблини кўлга киритган, вилоят босқичига йўлланма олган жами 84 та энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилотидан вакиллар беллашди.

Уч кун давом этган кўрик-танловда иштирокчилар үзлари ишлаб ётган хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти фаолияти, хотин-қизлар масалаларини ҳал

етишида маҳалла фуқаролар йигинлари ва «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорикдаги ишлар ҳақида ўз тақдимотларида маълумот беришди.

Тадбирнинг охириги кунида кўрик-танлов голибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Бугунги танловда бошлангич ташкилотимиз голиблини кўлга киритгани бизни бундан-да самара-ли меҳнат қилишга ундаиди, —

деди кўрик-танловнинг «Энг намунали касб-хунар коллежи ёки академик лицейдаги хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти» номинацияси голиби, Термиз ахборот технологиялари майший хизмат касб-хунар коллежининг хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти раиси Назокат Хидирова.

Шу куни вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи ҳамда хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини ривожлантиришдаги самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ аёлларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг диплом ва совғалари топширилди.

Мўл ҳосил гарови

Денов туманидаги «Нурбек Мирзо Мухаммад»номли фермер хўжалигига 2013 йил мавсумида уруғлик учун экилган пахта майдонларида сифатли уруғлик жамғарасини яратишга бағишлисанган вилоят кўргазмали семинари бўлиб ўтди.

Семинарда дала шароитида алоҳида фўза парвари-

шини ўтказиш тартиблари, сифатли уруғлик олиш шартлари, уруғчилик хўжаликларига юқори навлиларини етказиб беришда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбари

Ойлик-дади ушу бўнек	→	↓	→	↓	→	Авто чироғи	↓	→	↓	→	Кема кисми	↓	→	↓	
Сўров варакаси			Авра-...		Водий-даги вилоят	Суюқ шоколад	↓	Катта анхор	Ел, майн шабада		Ён дафтарча	↓	Модалар шахри (Франция)	Азamat, пахлавон	Чизув анжоми
				Сих ҳам куймасин... ҳам	↓		↓			...чапок, инок	→	↓			↓
Анод акси			Булут (форсча)	→				Гул тўри	→				Номла		
		↓			Прокат, аренда		→			Мотоцикл русуми	→			↓	
Адад, нусха	Бува, дода	→			Тропик мева		Галактика	→							
Поп... (бодрек)				Ёнили осмон жисми, абр	→				«Тарихи мулки» (асар)	→					

Тузувчи: Фахридин Раҳимов

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ХАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 ракам
билин рўйхатдан
ўтган.



ISSN 2010-6998

Бош муҳаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

Таҳир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова Наргиза

Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Нашр индекси — 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-843.
Адади — 8541

Босишига топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 02.30
ЎЗА якуни — 01.10

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6

«Kamolot» ko'zgusi

Hududlardan xabarlar: Surxondaryo

Maydonda sinalganlar

Шу йилнинг 17 октябридан 8 ноябригача
Бирлашган Араб Амирликларида 17
ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол
бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Жаҳон чемпионатига қуръя ташланди

Мусобақада дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам иштирок этди. 26 август куни Абу-Даби шаҳридаги «Fairmont Bab Al-Bahr» меҳмонхонасида чемпионатга куръя ташланди. Терма жамоамиз «С» гурӯҳидан ўрин эгаллади. Унда Дилшод Нуралиев шогирдлари Хорватия, Мароккаш ва Панама ўсмирлар терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиши учун курашади.

Ўзбек жанг санъати спортчилари АҚШда ўтказилган XVI ҳалқаро жанг санъатлари фестивалида 5 та олтин, 4 та кумуш ва 8 та бронза медални қўлга киритди.

Тенгдошларимизнинг мувваффақияти

Ёшларимизнинг ўзбек жанг санъати тақдимотини ажойиб тарзда намойиш қилгани фестиваль ҳайъати аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Шунингдек, фестиваль раҳбари Дэвид Склэр ҳам ўзбек жанг санъати ва юртимиз ёшлари тўғрисида илиқ фикрларни билдири. Тенгдошларимиз орасида, айниқса, Ситора Нишонова, Мафтұна Худоёрова, Ҳумоюн Фармонов, Мафтуна Зоирова, Комил Шукуров, Нодир Жумаев, Гулбаҳор Ашурова, Азamat Абдураимов, Шоҳруҳимзо Мамажонов, Наргиза Хайруллаева ўз чиқишиларида энг юқори натижаларни қайд этишди. Шу вақтга қадар ўзбек жанг санъати вакиллари Испания, Италия, Франция, Россия, Жанубий Корея ва Литвада ўз тақдимотини ўтказган эди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбари

YON DAFTARCHANGIZGA

Тилинда бўлса болинг,
Кулиб турар иқболинг.

Ўзбек ҳалқ мақоли